

**АБАЙ КАРАШЛАРИДА СОГЛОМ, БАРКАМОЛ ИНСОН
МУАММОСИ**

Кенжав Шавкатжон Хусанович.

Гулистан. Гулистан давлат университети катта ўқитувчиси.

+99890-680-79-07

Annotation

Nowadays, study of Eastern philosophical thinking which its unfathomable spiritual heritage and the valuable works left by our ancestors are very important. That is why, Abay Kunanboev who one of the most famous people in the east, especially Central asia what his philosophical and ethical considerations are study as well as to analyze the work as a source and to reveal its role in eastern philosophy. Put forwards of The “Edifications” of Abay and his ideas are remarkable.

Аннотация

Сегодня изучение восточного философского мышления, это непостижимого духовного наследия и сенных произведений, оставленных нашими предками, очень важно. Вот почему один из самых выдающихся людей на востоке, особенно в центральной азии, должен изучить философские и этические соображения своего Абай Кунанбаев, а также проанализировать произведение как источник и раскрыть его роль в восточной философии. “Нравоучении” Абай и видвинутие идеи замечательны.

XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида қозоқ маданияти ва маърифати ижтимоий-фалсафий меросини шаклланишига катта ҳисса күшган, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси Абай адабиёти ва шеърияти билан қизиқмаган ёки унинг ижтимоий-ахлоқий фикрлари билан ҳам нафас бўлмаган бирон-бир қозоқ зиёлиси бўлмаса керак.

Абай Қўйонбоев ўғли Иброҳим - қозоқ адабиётининг буюк

намояндаларидан бири бўлиб, у 1845-1904 йилларда яшаб ижод қилган. Абайнинг отаси йирик феодаллардан бири бўлиб мухитига мос келадиган диний илмлар ўқитиладиган мадрасага ўқишга беради. Абай дастлабки таълимни мана шу мадрасада Абдужаббор, Ахмад Ризо исмли муллалардан олади.

Абай шеърияти ва дунёкарашининг шаклланишида Шарқнинг шоир ва мутафаккирларидан Фузулий, Навоий, Бобур каби сиймолар ижоди муҳим рол ўйнайди.

Даставвал шоир Шарқ шоир ва мутафаккирлари ижодига тақлидий ёндошган бўлса, кейинчалик дунёқарашининг камолоти йўлида улардан ижодий таъсирланиб, баъзи масалаларда танқидий ёндошганлигини ҳам кўрамиз. «Эндиликда, Алишер Навоий билан Абай Кўунонбоевнинг эстетик дунёкарашларини такқослаган ҳолда фикр юритсак, унда ҳар иккала буюк сиймо ижодидаги ўхшашликлар, яқинликлар аниқ, кўзга ташланиши билан бирга, уларнинг ўзига хос индивидуал хусусияглари ҳам кенгроқ намоён бўлади».

Абай Кўунонбоевнинг аксарият асарлари насиҳатомуз маънавий-ахлоқий, маърифий панд-насиҳат тарзида ёзилган. У ўзининг бу асарларида панд-насиҳат бериш услуби асосида ёшларни эзгуликка ундайди, феодал табақа вакилларини танқид қиласи, умумхалқ манфаатини кўзлаб, меҳнаткаш халқ келажагини ҳимоя қиласи. У маърифат, таълим-тарбия, илм, ақлий салоҳиётини шакллантириш каби эзгу фазилатларни инсоний хислатларнинг мезони деб билади. «Илм ўрганишда мудом собит туриш керак. Агар кимда-ким илм ўрганишда собит бўлмай, шу билганим етади деб билганига каноат қиласа, уни Худо ургани шу. Унинг килган тоат-ибодати ҳам охиратда қабул этилмайди».

Абай ёш авлодга таълим-тарбия беришда ёшларни аввалам бор ўқитишга катта эътибор қаратишни уқтиради.

Шу билан бирга Абай ишсизлик ва дарбадарликни инсондаги энг паст

нуқсонлардан деб хисоблайди. Маърифатпарвар - шоир ишсиз бўлар-бўлмас ran сотиб юрган қозоқ ёшларидан нафратланарди. Бирон-бир касб эгалламаган ёки ўқимаган ёшлар инсоний фазилатлардан узоклашганлар, деб хисобларди.

Агар инсон ўқимаса ёки бирон-бир ҳунарни ўрганишга киришмаса ундај инсон ўз устидан ўзи масхара қилаётганга ўхшаб қўринади.

Абай ўзининг “Илмни билмасдан туриб мақтанма” сарлавҳали шеърида баъзи инсонларда учрайдиган «ғийбатчилик, ёлгончилик, мақр-хийла, лоқайдлик, исрофгарчилик каби қусурларни қоралайди. Бундай қусурлар инсониятга катта зарар келтиришини, ёшларни бундай камчиликлардан ўзларини четга олишларини уқтиради.

“Ҳар қандай дангаса-қўрқоқ ва мактанчоқ бўлади. Мактанчоқ ва қўрқоқлар аҳмоқ ва жоҳил бўладилар. Дангасалардан виждонсизлар, уятсизлар чиқади. Улар очкўз, ношуд одамлардан нафратланувчи бўладилар”. Абай ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларининг ўзига хос хусусияти шундаки, инсон ва ахлоқ, одобига доир фазилатларнинг ёки иллатларнинг сабабини ёки уларни юксалтириш ва бартараф қилиш йўлларини кўрсатиб ўтади. Дангасалик сабабларини Қозогистонда иктисадий ривожланиш даражаси паст бўлганлишдан деб фикрлайди. “Бу (дангасалик) бизларда моллар бошини кўпайтиришдан бошқа уй-фикримиз йўқдигидандир. Бизда зироат, савдо-сотик, ҳунармандчилик, илм-фан йук. Одамлар фақат молларининг сонини кўпайтиришни ўйлайдилар. Моллар подасини кўпайтириб, уларни чўпон қўлига берадилар, ўзлари эса гўшт ейиш, қимиз ичиш, от чоптириш, дам олиш билан машғул бўладилар».

Абайнинг ушбу фикрларидан тушуниш мумкинки, дангасаликнинг сабаби фақат ягона чорвачилик билан шуғулланиб қолишидир.

Инсонларга қарши қилинган ҳар қандай қабихлик ва нафратни инсониятга қарши қаратилган душманлик, деб ҳисоблаган. Абай кенг омма орасида гуманизм, инсонни севиш ғояларини тарғиб қиласди.

Абай мақтанчоқлик, манманлик, күп гапириш, орқасида қатъий ҳаракат бўлмаган лофни қоралади. Абай мақтанчоқлик билан лоф уришни қоралайди, одамлардан сўз ва иш бирлигини талаб қилди ва охиригача ўз сўзларида туришлари лозимлигини уқтирди. Унинг таъкидлашича, одамларнинг мактанчоқликка, лоф уришга кўнишиб қолиши инсоннинг ахлоқий хислатларининг юзага келишига катта зарар келтиради, уни ахлоқий жихатдан хунук қилиб, салбий хислатларнинг туғилишига олиб келади. Абайнинг таъкидлашича, мақтанчоқларда «на мардлик, на одамгарчилик, на виждонийлик» мавжуддир. Унинг фикрича, мақтанчоқ одамлар ўзларида энг паст салбий хислат-иллатларни мужассамлаштирадилар, уларда яхши ишлар қилишларини кутиш мумкин эмас, чунки улар энг ёмон пасткашликларни қилишга қодирдирлар.

Мана шунинг учун Абай қалбининг туб-тубидан бундай одамлардан нафратланар, уларда ҳар қандай пасткашлик ва разилликка интилишни кўрарди. Уларга нафрат билан қарап ва инсофли. диёнатли инсонларнинг улар билан мулоқотга муносиб эмаслар деб, ҳисобларди².

Абайнинг мақтанчоқ ва гапдонлардан нафратланиши шунчаки тасодиф эмасди. У яшаган даврда қўпчилик қозоқ феодаллари ўз ўғилларини нотиклик мунозаралик ҳолатларда ran топиб бера олишга ўргатишар ва шу билан уларни бийликка (бекликка) тайёрлар эдилар.

Абай айнан шундай мақтанчоқ ва қуруқ халк учун фойдаси ҳам, нафи ҳам тегмайдиганлардан деб ҳисобларди. Абай шу тарздаги мулоқотларга қизиқиши ёшлар онгиға салбий таъсир этаётганлигини кўрди. Ўкиш, таълим олиш, фан янгиликларидан хабардор бўлиш ўз билими қобилиятини жамиятнинг маданий ва иқтисодий тараққиётини ривожлантиришга йўналтириш ўрнига гап сотиш ва валаклашлик билан шуғулланиш жуда зарардир. Шунинг учун Абай ўз замондошларини кўп сўзлашлик билан ажralмасидан, балки ундан узокроқ юриб жамият фойдаси учун аник фаолият ҳаракат билан шуғулланишга чакирди. Абай ёшларни, шу жумладан

ўз фарзандларини, халқ манфаати учун кураш, камбағал инсонларга меҳр-муҳаббат қўрсатиш руҳида тарбиялашга интилди.

Абай ўзининг ахлоқга оид ўгитларининг «Тўртинчи сўз (насиҳат) бўлимида «Қувонч» ва “ғам” тўғрисидаги фикрларни таҳлил этади. «Илгаритдан маълумки, кулги мастликка ўхшайди. Ахмақона кулгу-беғамлик белгисидир, ундан худди маст одам валаклашидан бош оғригани сингари бош оғрийди. Бегамлик тафаккур аклнинг камбағаллашига, таназзулига ва ёмон ишларга олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Абай Қўнонбоев ўз даврида қозоқ халқининг буюк мутафаккири ва шоири бўлиб, ўз маънавияти ва бой дунёқарashi билан ўз миллатининг маънавий-маърифий юксалишида катта рол ўйнади.

Абай ўз халқи ичидаги одат бўлиб қолган эски урф-одатлар, анъаналар ва бидаъатларнинг ашаддий муҳолифи зди. Абай Қўнонбоев ижодининг аҳамияти ва қозоқ, халқи олдидаги яна бир буюк хизмати шундаки, у адабий қозоқ тили асосчиси эди. Шу тилда ажойиб асарлар яратди ҳамда биринчилардан бўлиб шу тилда ижод этди.

Абайнинг буюк инсоний фазилатларни тараннум этувчи асарлари нафақаг қозоқ халқи маданиятида, балки бутун Марказий Осиё халқлари маданиятида муҳим аҳамияг касб этиб, фалсафий дунёсини бойитишга катта ҳисса кўшади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абай. Танланган асарлар. 323-бет.
2. Абай. Тулик, танланган асарлар. Том 1. 1954. 35-бет.
3. Сяданов. К., Абай агадияти. Т.: Чулпон. 1995. 21-6.